

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЖИМОВА АЙСУЛУ МАХМУДОВНА

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ
ИСТЕЪМОЛИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ
(ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРИ МИСОЛИДА)**

05.05.07. – Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Нажимова Айсулу Махмудовна

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг электр энергия истеъмоллини
башорат қилиш (пахта-тўқимачилик кластери мисолида)..... 3

Нажимова Айсулу Махмудовна

Прогнозирование электропотребления сельскохозяйственного
предприятия (на примере хлопково-текстильного кластера)..... 21

Najimova Aysulu Makhmudovna

Power Consumption Forecasting in An Agricultural Enterprise (study case -
A Cotton-Textile Cluster)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЖИМОВА АЙСУЛУ МАХМУДОВНА

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ
ИСТЕЪМОЛИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ
(ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРИ МИСОЛИДА)**

05.05.07. – Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестациялаш комиссиясида В 2020.2.PhD/T1744. рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раҳмонов Иқромжон Усмонович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Расмий оппонентлар:

Музаффаров Шавкат Мансурович
техника фанлари доктори, доцент

Шавазов Абдулатиф Ачилович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), к.и.х.

Етакчи ташкилот:

Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти

Диссертация химояси Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 2 феврал соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+998-71) 237-09-45; факс: (+998-71) 237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (154 -рақам билан рўйхатга олинган) (100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+998-71) 237-09-45; факс: (+998-71) 237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «16» январ куни таркатилди.
(2021 йил «16» январ даги 1 рақамли реестр баённомаси).



Handwritten signature in blue ink.

Handwritten signature in blue ink.

Handwritten signature in blue ink.

Б.С. Мирзаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

У.Т.Кузиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD., доцент.

Х.М. Муратов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда электр энергияси истеъмолининг юқори суръатларда ошиб бораётган бугунги шароитида унинг истеъмолини прогноз қилишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. «Маълумки, 2030 йилга бориб мамлакатимизда электр энергия истеъмоли 117 млрд кВт·соатга етиши прогноз қилинган»¹. Бу кўрсаткич ўз навбатида иқтисодиёт тармоқларининг барча соҳаларида, жумладан қишлоқ хўжалигида электр энергия истеъмоли самарадорлигини ошириш долзарб вазифа эканлигини намоён этмоқда.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги корхоналарида пахта-тўқимачилик кластерида электр технологик қурилмалар энергетик кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш, электр энергияси кўрсаткичларини ҳисоблаш ва прогноз қилиш ва бу кўрсаткичларнинг илмий асосланган қийматларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда электр энергияси ишлатилиши самарадорлигини ошириш, корхона электр технологик қурилмаларининг энергетик кўрсаткичларини таҳлил қилиш, электр энергия истеъмоли кўрсаткичларини прогноз қилиш усулларини технологик жараён хусусияти асосида такомиллаштириш ва ҳисоблаш дастурларини ишлаб чиқиш бўйича мақсадли илмий изланишларни олиб бориш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Республикаимизда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган энергетика соҳасини сифат жиҳатидан тубдан ривожлантириш ва замонавий талаблар асосида соҳанинг техник-технологик даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан саноат корхоналарида электр энергиясининг ишлатилиши самарадорлигини ошириш, энергия тежамкор иш режимларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш бўйича сезиларли натижаларга эришилмоқда. Шу билан бирга, истеъмол қилинаётган энергия ресурсларини прогноз қилиш, энергия истеъмолини камайтириш усуллари ҳамда қурилмаларнинг энергия ва ресурс тежамкор иш режимларини аниқловчи алгоритмларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш зарур масалалардан бири ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»² бўйича вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни бажаришда қишлоқ хўжалиги корхоналари электр технологик қурилмаларининг энергетик кўрсаткичларини ҳамда электр энергия сарфининг прогноз кўрсаткичларини аниқлаш усулларини технологик жараён хусусияти асосида такомиллаштириш ва ҳисоблаш дастурларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

¹ http://minenergy.uz/uploads/f11fddb2-dc19-9986-9329-8e4e72ab7c43_media_.pdf

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июньдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси”да 397-сон ҳамда 2018 йил 12 январдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 22-сон, 2020 йил 22 июнда “Пахта хом ашёсини етиштириш ва қайта ишлаш кооперациялари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 398-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида электр энергияси ишлатилиши самарадорлигини ошириш ва ундан оқилона фойдаланиш ҳамда прогноз қилишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан University of California Davis (АҚШ), Wageningen University and Research Centre (Нидерландия), Swedish University of Agricultural Sciences (Швеция), Agro ParisTech (Франция), University of Agriculture (Покистон), Белоруссия давлат аграр техника университети (Белоруссия), Миллий тадқиқот униерситети (МЭИ) (Россия), Варшава қишлоқ хўжалиги университети (Польша), Россия давлат аграр университети (Россия), Тошкент давлат аграр университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, «Илмий-техника маркази» МЧЖ ва «Энергомарказ» МЧЖ да (Ўзбекистон) кенг камровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда

Қишлоқ хўжалиги корхоналари электр энергияси истеъмолини прогноз қилиш билан боғлиқ кўплаб ишларга ҳорижий олимлар М.С.Левин, Б.И.Кудрин, И.А.Будзко, Т.Б.Лещинская, Б.П.Белых, Б.И.Заславец, С.С.Новиков ва бошқалар томонидан катта ҳисса қўшилган.

Ўзбек олимларидан К.Р.Аллаев, Р.А.Захидов, А.Я.Дзевенский, Ф.А.Хошимов, Х.М.Муратов, М.Х.Джалилов, А.Ж.Исаков, Ш.М.Музаффаров, А.Ю.Субалиев ва бошқаларнинг илмий ишларида электр энергия истеъмоли самарадорлигини оширишда уни прогноз кўрсаткичларини аниқлаш усулларини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқишга бағишланган.

Олиб борилган ушбу тадқиқот ишларида саноат корхоналарида, жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналарида электр энергияси истеъмолини прогноз қилиш бўйича усуллар яратилиб, мавжудлари такомиллаштирилган. Аммо сезиларли муваффақиятларга қарамай, қишлоқ хўжалиги

корхоналарида, жумладан пахта тўқимачилик кластерларида электр энергия истеъмолини прогноз қилиш билан боғлиқ бўлган муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режаси, «Пахта тозалаш корхоналарида электр энергия истеъмоли самарадорлигини баҳолаш усуллари» (2019-2020) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалиги корхоналарида электр энергия истеъмолини прогноз қилиш аниқлигини ошириш имконини берувчи усулни унга таъсир этувчи факторларни ҳисобга олиб такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қишлоқ хўжалиги корхоналарининг электр энергия истеъмолини прогноз қилишнинг жорий ҳолатини ўрганиш;

қишлоқ хўжалиги корхоналарининг технологик жараёни ва электр энергия истеъмолини таҳлил қилиш, электр технологик қурилмаларининг энергетик кўрсаткичларини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини оптимал режалаштириш асосида пахта-тўқимачилик корхоналарида электр энергия сарфини минималлигини таъминлаш масаласининг математик модели ва алгоритминини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги корхоналари электр энергия истеъмолини прогноз қилишда кўп факторли таҳлил асосида, прогноз қилиш усули ва услубий кўрсатмасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “WBM ROMITEX” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери корхонаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети пахта-тўқимачилик кластери корхоналари қурилмаларининг электр энергияси истеъмоли жараёнларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида электр энергия истеъмолининг прогноз кўрсаткичларини аниқлашда корхона маълумотларини қайта ишлашда математик статистика, эксперт баҳолаш, экстрополяция ва кўрсаткичларнинг боғланишларини қуришда математик моделлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги корхоналари электр технологик қурилмаларининг энергетик кўрсаткичларини ҳисоблаш усули ускуналарнинг истеъмоли кувватига таъсир этувчи омилларнинг натижавий қийматларини аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалиги корхоналарида электр энергия истеъмолининг прогноз кўрсаткичига таъсир этувчи асосий ва ёрдамчи факторларни аниқлаш усули пахта хом-ашёсининг нави ва намлик даражасини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

пахта-тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини оптимал режалаштириш асосида электр энергия сарфини минималлигини таъминлаш масаласининг математик модели ва алгоритми ишлаб чиқилган;

кўп факторли таҳлил асосида қишлоқ хўжалиги корхоналари электр энергия истеъмолини прогноз қилиш аниқлигини ошириш имконини берувчи усул ва алгоритм ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

пахта-тўқимачилик кластери корхоналари электр технологик қурилмаларининг энергетик кўрсаткичларини ҳисоблаш ва электр энергия истеъмолини прогноз қилишда прогноз кўрсаткичига таъсир этувчи асосий ва ёрдамчи факторларни аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини оптимал режалаштиришнинг математик модели ва технологик чеклашларни ҳисобга олиш алгоритми ишлаб чиқилган;

электр энергия истеъмолини прогноз қилиш усули ва алгоритми “WBM ROMITEX” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери корхонасига жорий қилинган;

пахта-тўқимачилик кластери корхоналарида электр энергия истеъмолини прогноз қилиш имконини берувчи услубий кўрсатма ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижаларнинг бир нечта усуллар устида амалларни бажариш ва уларни таққослаш асосида олинган, кўрсаткичларнинг ўзаро мувофиқлиги, ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали асосланганлиги, шунингдек, назарий ва ҳисобий-экспериментал натижаларнинг мос келиши ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини оптимал режалаштиришнинг математик модели, электр энергия истеъмолини прогноз қилиш ҳамда корхона асосий электр технологик қурилмалари энергетик кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллариининг такомиллаштирилиши ҳамда прогноз кўрсаткичлари аниқлигини ошириш усуллариининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қишлоқ хўжалигининг пахта-тўқимачилик кластери корхоналарида электр технологик қурилмаларнинг энергетик кўрсаткичларини ҳисоблаш усулининг такомиллаштирилиши ва электр энергия истеъмолини прогноз қилиш усуллари аниқлигининг ошириш натижасида электр энергия истеъмолининг тўғри аниқланиши ҳамда корхонанинг қўшимча жарималар тўламаслигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида, хусусан пахта-тўқимачилик кластери қорхоналари электр технологик қурилмаларининг энергетик кўрсаткичларини ҳисоблаш ва электр энергия истеъмолини прогноз қилиш усуллариини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида, хусусан пахта-тўқимачилик кластери корхоналари электр технологик қурилмаларининг энергетик кўрсаткичларини ҳисоблаш ва электр энергия истеъмолини прогноз қилиш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пахта-тўқимачилик кластери корхоналари электр технологик қурилмаларининг энергетик кўрсаткичларини ҳисоблаш усули “WBM ROMITEX” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери корхонасига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2020 йил 17 сентябрдаги 11/05-27-81-8173-сон маълумотномаси). Натижада энергетик кўрсаткичларни ҳисоблашнинг аниқлигини ошириш имкони яратилган;

электр энергия истеъмолини прогноз қилиш усули ва алгоритми “WBM ROMITEX” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери корхонасига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2020 йил 17 сентябрдаги 11/05-27-81-8173-сон маълумотномаси). Натижада корхонада электр энергия истеъмолининг прогноз қилишдаги хатоликни 5% гача камайтириш имкони яратилган;

қишлоқ хўжалиги корхоналарида электр энергия истеъмолини прогноз қилишда прогноз кўрсаткичига таъсир этувчи асосий ва ёрдамчи факторларни аниқлаш усули “WBM ROMITEX” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери корхонасига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2020 йил 17 сентябрдаги 11/05-27-81-8173-сон маълумотномаси). Натижада электр энергиянинг прогноз кўрсаткичини аниқлаш аниқлигини ошириш ва электр энергия сарфини бир сутка учун ўртача 1640 кВт·соатгача камайтириш имкони яратилган;

кўп факторли таҳлил асосида пахта-тўқимачилик кластери корхоналарида электр энергия истеъмолини прогноз қилиш имконини берувчи услубий кўрсатма “WBM ROMITEX” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери корхонасига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2020 йил 17 сентябрдаги 11/05-27-81-8173-сон маълумотномаси). Натижада истеъмол қилинаётган электр энергия истеъмолининг прогноз кўрсаткичларини аниқлашнинг амалдаги усулларини такомиллаштириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманлар ва семинарларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг философия доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақолалар, жумладан 4 та республика ва 2 та чет эл илмий журналларида ҳамда 2 та Scopus базасига кирувчи тўпламларда нашр этилган, 3 та ЭҲМ гувоҳномалар олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ва ишончилиги ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қишлоқ хўжалиги корхоналарида электр энергия истеъмолини прогноз қилишнинг жорий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалиги корхоналарида электр энергиясини истеъмол қилишни башорат қилишнинг ҳозирги ҳолати, қишлоқ хўжалиги корхоналарида электр энергияни истеъмол қилишни прогноз қилиш усуллари ва моделларининг умумий кўриниши ва электр энергия истеъмолини прогноз қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотлари таҳлил қилинган.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида, жумладан пахта-тўқимачилик кластерларида (ПТК) электр энергия (ЭЭ) истеъмолини прогноз қилиш бўйича илмий муаммоларни ҳал қилишда изланишлар олиб борган ҳорижий ва ўзбек олимларининг илмий-тадқиқот ишлари келтирилган.


Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги корхоналарида, жумладан пахта-тўқимачилик кластерлари электр технологик қурилмалари энергетик ҳамда электр энергия истеъмолини прогноз кўрсаткичларини аниқлашда электр энергия истеъмолига таъсир этувчи факторлар билан боғлиқ ҳолда ўрганилмаган. Шу билан бирга электр энергиясини прогноз қилишнинг илмий асосланган ҳисоблаш усуллари юқорида келтирилган боғлиқликларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилмаган.

Диссертациянинг “**Тадқиқот объектининг технологик жараёни ва электр энергияси истеъмоли тавсифи**” деб номланган иккинчи бобида юртимизда пахта-тўқимачилик кластери корхоналарининг бугунги кундаги ҳолати ва истиқболлари, тадқиқот объекти сифатида олинган “WBM



1-расм. “WBM ROMITEX” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери корхонасининг технологик схемаси

ROMITEX” МЧЖ ПТК корхонасининг пахта тозалаш заводи ва тўқимачилик корхонаси технологик жараёни ва электр энергия истеъмоли таҳлили келтирилган (1-расм). Шу билан бирга ПТК корхонасида мавжуд электр технологик қурилмаларнинг энергетик кўрсаткичларини аниқлашнинг такомиллаштирилган усули таклиф этилган. ПТК технологик



2-расм. Пахта-тўқимачилик кластерининг технологик занжири

занжири (2-расм) пахта хомашёсини ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш, пахта толасидан калава ип ишлаб чиқариш, газлама ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўз ичига қамраб олади. Пахта хом-ашёсини етиштиришдан уни тайёр маҳсулот ҳолатига олиб келгунга қадар бўлган жараёнда иштирок этувчи барча корхоналарни бирлаштиришдан кўзланган асосий мақсад - бу энергия ва ресурс, яъни ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш орқали, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг

рақобатбардошлигини ошириш назарда тутилади. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластер корхоналари сонининг сўнгги уч йилдаги тенденцияси таҳлили шуни кўрсатадики, 2018 йилда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш

ва кластер корхоналари сони 17 та бўлган бўлса, 2019 йилда 61 тага етган. Бугунги кунда эса бу корхоналар сони 96 тага етди.

1-жадвал.

“WBM ROMITEX” МЧЖ ПТК корхонасининг пахта тозалаш заводлари ўрнатилган қувватлари ва электр энергия истеъмоли.

Пахта тозалаш заводи	Жондор	Бухоро	Когон
Ўрнатилган қуввати (кВт)	3239	4340	2133
Электр энергия сарфи (ўртача 1 ойлик, кВт·с)	6488	10238	3373

2-жадвал.

“WBM ROMITEX” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластерининг тўқимачилик комбинати энергия сарфи

№ т/р	Энергия шакли	Бирлиги	Истеъмоли	Шартли ёқилғи	
				т.ш.ё.	%
1.	Электроэнергия	кВт·с	10238237	1259,3	96
2.	Табий газ	м ³	45353	52,6	4
3.	Хўжалик ичимлик суви	м ³	16483	-	-

Электр энергия истеъмолининг асосий энергетик кўрсаткичларига актив қувват (P), электр энергия сарфи (W), электр энергиянинг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган солиштирма сарфи (d) киради. Улар ўз

набатида, турли факторларни функцияси ҳисобланади. Ишимиз давомида биз асосан, умумий электр энергия сарфи (W), электр энергия сарфининг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган солиштирма сарфи (d) ҳамда актив қувват (P) каби энергетик кўрсаткичларини математик моделлаштириш жараёни амалга оширилади. 1 ва 2-жадвалларда пахта тозалаш заводи ва комбинатда истеъмол қилинадиган энергия шакллари ва 3 ва 3а-расмларда суткалик электр юклама графиги бўйича 2019 йилги маълумот келтирилган бўлиб, айнан ПТК тўқимачилик комбинатида электр энергиянинг солиштирма сарфи эса қуйидагича бўлган:

- 1т ип ишлаб чиқариш учун 3260 кВт·с/т;

- 1 т трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш учун 180 кВт·с/т. Келтирилган рақамлар таҳлили шуни кўрсатадики, корхонада электр энергия истеъмолининг улуши бошқа энергия шаклларига нисбатан етарлича юқори.

Экспериментал маълумотлар асосида энергетик кўрсаткичларнинг кўйидаги математик моделлари олинади:


$$P = f(A), \quad W = f(\Pi), \quad d = f(\Pi)$$

Ҳисобот даври учун электр энергия сарфи:


$$W = \phi \cdot (W_{\text{ёрдам}}^u (1 \pm f_i) + \delta \cdot M^u (1 \pm \gamma_i)) \quad [\text{кВт} \cdot \text{с}] \quad (1)$$

Истеъмол қуввати кўйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$P = \frac{W_{\text{ёрдам}}^u \cdot \phi (1 \pm f_i) + \delta \cdot M^u (1 \pm \gamma_i)}{t} \quad [\text{кВт}] \quad (2)$$



3-расм. “WBM ROMITEX” МЧЖ ПТК корхонасининг текстил комбинати суткалик электр юклама графиги (22.09.2019 йил)



3а-расм. “WBM ROMITEX” МЧЖ ПТК корхонасининг пахта тозалаш заводи суткалик электр юклама графиги (22.09.2019 йил)

Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган электр энергия сарфи:

$$d = \phi \frac{W_{\text{ёрдам}}^u \cdot (1 \pm f_i)}{M^u (1 \pm \gamma_i)} + \delta \quad [\text{кВт} \cdot \text{с}/\text{т}] \quad (3)$$

Хулоса қилиб айтганда, агрегат энергетик кўрсаткичлари қанчалик тўғри аниқланса, уларга ҳисоблаш жараёнида таъсир этувчи факторлари ҳисобга олинса, ҳисоботлар аниқлиги ошади.



4-расм. Электр истеъмолига таъсир қилувчи асосий факторлар

асосий компонентлар усулини қўллаш масалалари кўриб чиқилган.

4-расмдан кўришиб турибдики пахта тозалаш заводида асосий фактор сифатида пахта хом-ашёсининг нави ва намлик даражаси ҳисобланса, тўқимачилик комбинатида эса ички ҳарорат, хавонинг намлиги ва маҳсуло тури (қаттиқ ёки юмшоқ газлама, уларга ишлов бериш жараёни) факторлари киради.

Диссертациянинг “WBM ROMITEX” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери корхонасининг электр энергияси истеъмолини прогноз қилиш” деб номланган учинчи бобида электр энергия истеъмолининг прогноз кўрсаткичига таъсир этувчи асосий ва ёрдамчи факторлар таҳлил қилинган бўлиб, электр энергия истеъмолини прогноз қилишда энг кичик квадратлар, аргументларни гуруҳий ҳисобга олиш ва

Электр энергия истеъмолига таъсир этувчи факторлар куйидаги боғлиқлик орқали ифодаланади:

$$W = f(\Phi_1, \Phi_2, \dots, \Phi_n); \quad (4)$$

Электр энергия истеъмолининг маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда куйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$W_o = W_{o_1} \beta_1 (1 \pm k_1) + W_{o_2} \beta_2 (1 \pm k_2) + W_{o_3} \beta_3 (1 \pm k_3) + \dots + W_{o_n} \beta_n (1 \pm k_n);$$

$$W = f(\Phi_1, \Phi_2, \Phi_3, \dots, \Phi_n), \quad (5)$$

Цех ёки агрегатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми:

$$M = (M_1 \beta_1 + M_2 \beta_2 + \dots + M_n \beta_n)(1 \pm k_q); \quad (6)$$

Пахта-тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини оптимал режалаштириш асосида электр энергия сарфини минималлигини таъминлаш масаласи математик тарзда куйидагича ифодаланади:

T режалаштириш даврида барча бўлинмаларнинг шартли маҳсулот ишлаб чиқаришда сарфланувчи электр энергия сарфини акс эттирувчи мақсад функциясини минималлаштириш (7):

$$W = \sum_{i=1}^n \sum_{t=1}^{24} W_i(M_i^t) \rightarrow \min$$

Чеклашлар:

қаралаётган ҳар бир давр учун бўлинмаларда ишлаб чиқарилаётган шартли маҳсулот баланси бўйича (8):

$$B_t = M - \sum_{i=1}^n M_i^t, \quad t = 1, 2, \dots, 24;$$

бўлинма ёки цехнинг ишлаб чиқариши мумкин бўлган максимал ва минимал ҳисобий шартли маҳсулоти қийматлари бўйича (9):

$$M_i^{t,\min} \leq M_i^t \leq M_i^{t,\max}, \quad i \in N, \quad t \in T,$$

бўлинма ёки цехнинг ишлаб чиқариши мумкин бўлган максимал ва минимал шартли маҳсулоти бўйича (10):

$$P_l^t \leq \bar{P}_l^t, \quad l \in L_p, \quad t \in T$$

Таърифланган масалани (8-10) чеклашларни эътиборга олиб, куйидаги Лагранж функциясини қўллаш орқали минималлаштириш мумкин.

$$L = W + \sum_{t \in T} \mu_t B_t + \sum_{t \in T} \sum_{l \in L_p} \lambda_l^t P_l^t \quad (11)$$

(11) да μ_t - қаралаётган даврда t - интервалдаги бирлик маҳсулот баланси шартини ҳисобга олувчи Лагранжнинг номаълум кўпайтирувчилари; λ_l^t , t - вақт интервалидаги l - бўлинмада маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати назорати чеклашни ҳисобга олувчи жарима.

Ўзгарувчиларнинг оптимал қийматлари учун куйидаги шарт бажарилиши керак

$$\frac{\partial L}{\partial M_i^t} = w_i^t + \mu_t + \sum_{l \in L_p} \lambda_{li}^t = 0, \quad i \in N, \quad t \in T; \quad \frac{\partial L}{\partial \mu_t} = B_t = 0, \quad t \in T. \quad (12)$$

$w_i^t = \frac{\partial W_i}{\partial M_i^t}$ - t - интервалда i - бўлинма ёки цехда M_i^t бирлик маҳсулот ишлаб

чиқаришда электр энергия сарфининг нисбий ўсиши; $\lambda_{li}^t = \frac{\partial \lambda_l^t}{\partial M_i^t}$, t - вақт

интервалидаги l - бўлинмада маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати назоратини чеклашни ҳисобга олувчи жарима функцияси ҳосиласи.

Шундай қилиб жами кластерда электр энергия истеъмоли минимумини таъминлашни режалаштириш учун (8-9) шартлари қатъий бажарилиши керак.

Хусусий ҳолларда, яъни (7) да (10) чеклашни ҳисобга олмаганда кўйидаги ечимга эга бўламиз:

$$\left. \begin{aligned} w_i^t &= -\mu_t, \quad i \in N, t \in T; \\ M - \sum_{i=1}^n M_i^t &= 0, \quad t \in T; \end{aligned} \right\} \quad (13)$$

Таклиф қилинган математик модел ва ечиш алгоритми самарадорлиги, пахта тўқимачилик ишлаб чиқариш корхонасининг мавсумий характердаги, электр энергия талабини зарур бўлган маҳсулот бирлигини таъминлаган ҳолда энг кам электр энергия сарфлаш масалаларини ечиш мисолида тадқиқ қилинди. Бўлинмаларнинг электр энергия истеъмоли сарфи

3-жадвал. тавсифлари $W_i = a_i + b_i M_i + c_i M_i^2$ (кВт·с) кўринишида квадратик шаклда ифодаланган бўлиб, коэффициентларнинг қийматлари 3-жадвалда келтирилган.

Бўлинмаларнинг тавсифлари коэффициентлари

Бўлинма	a_i	b_i	c_i
1-цех	6,08	0,288	0,00028
2-цех	6,29	0,295	0,00023
3-цех	4,69	0,308	0,00067

Ростлаш даврида корхонанинг ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш режаси 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал.

Корхонанинг тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш режаси (ойлар кесимида)

Ойлар	1	2	3	4
Жами шартли маҳсулот $M_{ж}$, т.ш.м	350	480	670	460

Корхонанинг бир ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг оптималлигига таъсир этувчи шартли маҳсулот миқдорини самарали баҳолаш ва натижаларни солиштириш учун, дастлаб берилган учта цех ўртасида шартли маҳсулотларни оптимал (энг кам электр энергия сарфлаган ҳолда) тақсимлашни амалга оширамиз (5-жадвал). ПТК корхонаси учун 1 ойда ишлаб чиқариладиган шартли маҳсулотга боғлиқ электр энергия истеъмолининг ўзгариши 6-жадвалда келтирилган. Корхона учун жами маҳсулот бирлигини сақлаган ҳолда цехларда шартли маҳсулот бирлигининг нисбатан кам қийматларга ўзгариши ҳам электр энергия истеъмолининг сезиларли ошишига олиб келади.

5-жадвал

Учта бўлинма ўртасида шартли маҳсулотларни оптимал (энг кам электр энергия сарфлаган ҳолда) тақсимлаш

Ойлар		1	2	3	4
$M_{ж}$, т.ш.м		350	480	670	460
1-цех	M_1 , т.ш.м	119,4314	178	269,9286	169,0392
	W_1 , $10^4 \cdot$ кВт·с	44,533	66,025	104,2206	62,9819
2-цех	M_2 , т.ш.м	130,1773	202	300,0000	190,5695
	W_2 , $10^4 \cdot$ кВт·с	48,527	75,3037	115,49	70,643
3-цех	M_3 , т.ш.м	100,0000	100	100,0000	100,0000


	$W_3, 10^4 \cdot \text{кВт} \cdot \text{с}$	42,19	42,19	42,19	42,19
	$W_{ж}, 10^4 \cdot \text{кВт} \cdot \text{с}$	135,2500	183,5187	261,9006	175,8149

б-жадвал.


**Ишлаб чиқариладиган шартли маҳсулотга боғлиқ электр энергия
истеъмолининг ўзгариши**

1 ойдаги фарқ, $10^4 \cdot \text{кВт} \cdot \text{с}$	$W_{ж},$ $10^4 \cdot \text{кВт} \cdot$ с	$M_1,$ т.ш.м	$W_1,$ $10^4 \cdot \text{кВт} \cdot$ с	$M_2,$ т.ш.м	$W_2,$ $10^4 \cdot \text{кВт} \cdot$ с	$M_3,$ т.ш.м	$W_3,$ $10^4 \cdot \text{кВт} \cdot$ с	$M_{ж},$ т.ш.м
1,060	184,579	150	55,58	220	82,322	110	46,677	480
0	183,518	178	66,23	202	75,09	100	42,19	480
1,613	185,132	180	66,992	180	66,842	120	51,298	480

Энг кичик квадратлар усули (ЭККУ) ёрдамида электр энергия истеъмолини прогноз қилиш мақсадида корхонанинг 2017, 2018, 2019 йилларга тегишли электр энергия истеъмоли кўрсаткичлари асос қилиб олинган. Мазкур кўрсаткичларни қайта ишлаш натижасида қуйидаги математик модел ишлаб чиқилган бўлиб, шу модел ёрдамида электр энергия истеъмолининг прогноз кўрсаткичи натижалари 5 ва 6-расмларда келтирилган:



**5-расм. “WBM ROMITEX” МЧЖ ПТК
корхонаси ЭЭ истеъмолининг ҳақиқий ва
прогноз кўрсаткичлари
(2019 йил сентябр)**




**6-расм. “WBM ROMITEX” МЧЖ ПТК
корхонаси ЭЭ истеъмолининг
ҳақиқий ва прогноз кўрсаткичлари
орасидаги хатолик кўрсаткичлари
графиги (2019 йил сентябр)**


Аргументларни гуруҳий ҳисобга олиш усули (АГХУ) ёрдамида электр энергиясини прогноз қилишда уч йиллик кўрсаткичларни қайта ишлаш натижасида қуйидаги математик модел ишлаб чиқилган бўлиб, шу модел ёрдамида электр энергия истеъмолининг прогноз кўрсаткичи аниқланган (7 ва 8-расмлар):

$$W=12+0,23M_1+0,37M_2 \quad [\text{минг.кВт} \cdot \text{с}]$$


Асосий компонентлар усули (АКУ) ёрдамида электр энергия истеъмолини прогноз қилиш алгоритми блок-схемаси 9-расмда келтирилган бўлиб, электр энергия истеъмолини кўрсаткичини аниқлаш шу кетма-кетликда амалга оширилади.



7-расм. “WBM ROMITEX” МЧЖ ПТК корхонаси электр ЭЭ истеъмолининг хақиқий ва прогноз кўрсаткичлари (2019 йил сентябр)



8-расм. “WBM ROMITEX” МЧЖ ПТК корхонаси ЭЭ истеъмолининг хақиқий ва прогноз кўрсаткичлари орасидаги хатолик кўрсаткичлари графиги (2019 йил сентябр)




9-расм. АКУ ёрдамида ЭЭ истеъмолини прогноз қилишнинг алгоритми блок-схемаси

Уч йиллик кўрсаткичларни қайта ишлаш натижасида электр энергия истеъмолига ҳар бир таъсир қилувчи омил учун асосий компонентларнинг қуйидаги чизиқли боғлиқлиги аниқланди:


$$\begin{aligned}
 x_1^* &= 0,790F_1 + 0,142F_2; \\
 x_2^* &= 0,012F_1 + 0,852F_2; \\
 x_3^* &= 0,891F_1 - 0,285F_2; \\
 x_4^* &= 0,930F_1 - 0,568F_2; \\
 x_5^* &= 0,792F_1 + 0,198F_2.
 \end{aligned}$$

Асосий компонентлар усули ёрдамида электр энергия истеъмолини прогноз қилиш кўрсаткичларининг ўртача хатолиги 5% ни ташкил этди. Маълумки, хақиқий ва прогноз кўрсаткичлар орасидаги фарқ 5% гача бўлганда, ишлаб чиқилган прогноз моделларини корхона электр энергия истеъмолини прогноз қилишда адекват ҳисобланади. Юқоридаги кўрсаткичлар эса, асосий компонент усулининг қаралаётган ҳолат учун етарли аниқликни таъминлай олганлигини ва аниқлиги юқори бўлган усул эканлигини яна бир бор исботини топди (10 ва 11-расмлар). Мазкур таклиф этилаётган алгоритм учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан DGU №07913 рақамли “Қишлоқ хўжалиги

корхоналари электр энергияси истеъмолини прогнозлаш дастури” (муаллифлар: И.У.Рахмонов, А.М.Нажимова) учун гувоҳнома олинган.



10-расм. “WBM ROMITECH” МЧЖ ПТК корхонаси ЭЭ истеъмолнинг хақиқий ва прогноз кўрсаткичлари (2019 йил сентябр)



11-расм. “WBM ROMITECH” МЧЖ ПТК корхонаси ЭЭ истеъмолнинг хақиқий ва прогноз кўрсаткичлари орасидаги хатолик кўрсаткичлари графиги (2019 йил сентябр)


“Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг электр энергияси истеъмолини прогноз қилиш моделларини жорий этиш” деб номланган тўртинчи бобда электр энергия истеъмолини прогноз қилиш моделларини таққослаш ва аниқлиги юқори бўлган усулни танлаш ҳамда пахта-тўқимачилик кластери корхоналарида электр энергия истеъмолини прогноз қилиш услубий кўрсатмасини ишлаб чиқиш масалалари ва натижалар кўриб чиқилган (7-жадвал).

7-жадвал.


“WBM ROMITECH” МЧЖ ПТК корхонасида электр энергиясини башорат қилиш натижалари

2019 й. Сентябрь. Кунлар	Хақиқий ЭЭ истеъмоли, кВт·с	Прогноз қилинган ЭЭ истеъмоли, кВт·с ЭЖКУ	Прогноз қилинган ЭЭ истеъмоли, кВт·с АГХУ	Прогноз қилинган ЭЭ истеъмоли, кВт·с АКУ	2019 й. Сентябрь. Кунлар	Хақиқий ЭЭ истеъмоли, кВт·с	Прогноз қилинган ЭЭ истеъмоли, кВт·с ЭЖКУ	Прогноз қилинган ЭЭ истеъмоли, кВт·с АГХУ	Прогноз қилинган ЭЭ истеъмоли, кВт·с АКУ
1	45214	40154	47854	42684	16	45627	48621	45874	43981
2	39984	42587	42574	40216	17	45258	41254	47259	43219
3	45687	49521	47523	42654	18	42156	40258	39745	41265
4	48654	51254	51254	45671	19	46874	46184	46286	45506
5	41235	43568	45387	40032	20	47893	51023	50369	46123
6	39897	46254	42574	40294	21	43571	39874	41867	42194
7	43658	46587	45387	42984	22	42687	48654	47394	40914
8	47256	45321	48521	44587	23	48348	42658	49825	44621
9	41525	39547	42374	42148	24	46871	49857	47348	44917
10	46957	44587	41254	45498	25	43671	46357	45364	42396
11	42578	45981	44837	42813	26	44657	42358	49568	43941
12	43621	41256	39547	42681	27	46874	48621	49286	43658
13	36871	36329	34976	36248	28	47325	50278	49547	45944
14	41269	47547	48759	39217	29	43257	47954	45691	42943
15	43987	42148	44836	42871	30	45735	48375	42567	44194

Мазкур диссертация ишида олиб борилган ҳисоб-китоблар натижасида таққосланаётган усулларга нисбатан юқори аниқликни, яъни 5%гача бўлган хатолик асосий компонентлар усули ёрдамида олинган бўлиб, бу каби аниқлик усул хусусиятидан келиб чиқиб, ҳисоблаш ва математик моделни



12-расм. “WBM ROMITEH” МЧЖ ПТК корхонасида ЭЭ истеъмолини прогноз қилишда қўлланилган ЭККУ, АГХУ ва АКУ натижаларини таққослаш графиги



13-расм. “WBM ROMITEH” МЧЖ пахта тўқимачилик кластери корхонаси электр энергияси истеъмолининг хақиқий ва прогноз кўрсаткичлари орасидаги прогноз хатолиги графиги

Қаралаётган барча нуқталар учун аксарият ҳолатда АКУ кўрсаткичлари энг кам хатоликни бераётганлигини кўриш мумкин. Бу эса ўз навбатида мазкур усулни қаралаётган объект “WBM ROMITEH” МЧЖ пахта тўқимачилик кластери корхонаси электр энергияси истеъмолини прогноз қилишда қўллаш мумкинлигини ифодалайди. Буни қуйидаги 8-жадвал маълумотлари ҳам тасдиқлайди:

8-жадвал.

Прогноз усулларини солиштириш натижалари


Усул номи	Хатолиги
Энг кичик квадратлар усули	7%
Аргументларни гуруҳий ҳисобга олиш усули	7,8%
Асосий компонентлар усули	5%

ишлаб чиқиш жараёнида электр энергия истеъмолига таъсир этувчи асосий факторларни ҳисобга олиши ва дастлабки маълумотлар сифатида ҳам кичик хажмдаги, яъни қаралаётган давр учун нисбатан стабил бўлган кўрсаткичларни олиши билан тавсифланади.

12-расмда эса, 8-жадвалда келтирилган кўрсаткичларининг таққослаш графиги келтирилган бўлиб, графикдан кўриниб турибдики, АКУ кўрсаткичлари хақиқий электр энергия истеъмолига яқин эканлигини кўриш мумкин. Қолган усулларнинг хақиқий кўрсаткичдан баъзи нуқталарда кескин, баъзи нуқталарда нисбатан оғанини кўриш мумкин. Бунинг сабаблари эса юқорида батафсил келтириб ўтилди.

Аниқланган кўрсаткич хатоликларининг графикдаги кўринишини 13-расмда таҳлил қили

б чиқилади.



14-расм. ПТК корхоналарида электр энергия истеъмолини прогноз қилишнинг такомиллашган алгоритми

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги корхоналарида, жумладан, пахта-тўқимачилик кластерларида электр энергия истеъмолини прогноз қилишнинг ҳеч қандай муқобил кўрсатмаси мавжуд эмас. Шундан келиб чиқиб, корхонада бу йўналишда мавжуд бўлган муаммоларни ўрганиб, услубий кўрсатмани яратиш алгоритми ишлаб чиқилган бўлиб, у 14-расмда келтирилган кетма-кетликда амалга оширилади.

Юқорида келтирилган алгоритм асосида ишлаб чиқилган пахта-тўқимачилик кластери корхоналарида электр энергия истеъмолини прогноз қилиш услубий кўрсатмаси электр энергия истеъмолини корхонада прогноз қилишда мутахассислар учун асосий йўриқнома сифатида фойдаланишга тавсия этилади. Ҳамда бугунги кунда корхонада фойдаланилаётган экспертни баҳолаш усули ёрдамида электр энергия истеъмол кўрсаткичини аниқлашда йўл қўйилаётган

хатоликларни етарли даражада қисқартиришга, камайтиришга эришилади. Ишлаб чиқилган пахта тўқимачилик кластери корхоналарида электр энергия истеъмолини прогноз қилиш услубий кўрсатмаси “WBM ROMITEX” МЧЖ ПТК корхонасида жорий этилган. Айнан мана шу услубий кўрсатмада берилган кўрсатмалар, тавсиялар асосида корхона электр энергия истеъмолини башорат қилиш натижасида прогноз кўрсаткичларини аниқлашнинг амалдаги усуллари такомиллаштириш имконини берган.

ХУЛОСАЛАР

Ушбу диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларини умумлаштириш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида электр энергия истеъмолини прогноз қилишнинг жорий ҳолати таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда амалда юзга яқин усуллар қўлланилаётган бўлиб, усулларнинг аксарияти корхоналар хусусиятидан келиб чиқиб, чуқур илмий изланишлар натижасида ишлаб чиқилмаган. Натижада бу усулларнинг қўлланилиши корхоналарнинг

электр энергия истеъмолининг прогноз ва хақиқий кўрсаткичлари орасидаги фарқнинг сезиларли юқори бўлишига, натижада кўшимча иқтисодий харажатларга олиб келмоқда.

2. Пахта-тўқимачилик кластери корхоналари қурилмаларининг электр энергия истеъмолига таъсир этувчи факторларни ҳисобга олиб, уларнинг энергетик кўрсаткичларини ҳисоблаш усули такомиллаштирилиб, мазкур усул учун алгоритм ишлаб чиқилган. Натижада энергетик кўрсаткичларни ҳисоблашнинг аниқлигини ошириш имкони яратилган.

3. Мавжуд ҳолатни тадқиқ қилиш асосида пахта тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини оптимал режалаштириш натижасида электр энергияни энг кам истеъмол қилиш масаласининг математик модели ва градиент усулига асосланган алгоритми ишлаб чиқилган. Натижада пахта тўқимачилик корхоналари булинмаларида оптимал маҳсулот ҳажмини ва технологик чеклашларни эътиборга олиб аниқлаш орқали корхонада энг кам электр энергия истеъмолини таъминлаш имкони яратилган.

4. Пахта-тўқимачилик кластери корхоналари электр энергия истеъмолини прогноз қилиш усули ва алгоритмлари учта усул ёрдамида ишлаб чиқилиб, таққосланган ва электр энергия истеъмолини прогноз қилишда энг кам хатоликка эга усул таклиф этилган. Натижада корхонада электр энергия истеъмолининг прогноз қилишдаги хатоликни 5% гача камайтириш имкони яратилган.

5. “Пахта-тўқимачилик кластери корхоналарида электр энергия истеъмолини прогноз қилиш” услубий кўрсатмаси ишлаб чиқилган ва “WBM ROMITEX” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери корхонасига жорий қилинган. Натижада истеъмол қилинаётган электр энергия истеъмолининг прогноз кўрсаткичларини аниқлашнинг амалдаги усулларини такомиллаштириш имконини берган.

6. Пахта-тўқимачилик кластери корхоналари электр энергия истеъмолини прогноз қилишда прогноз кўрсаткичига таъсир этувчи асосий ва ёрдамчи факторларни аниқлаш усули такомиллаштирилган. Натижада электр энергиянинг прогноз кўрсаткичини аниқлаш аниқлигини ошириш ҳисобига электр энергия сарфини бир сутка учун 1640 кВт·соатга камайтириш имкони яратилган;

7. Тадқиқот натижалари “WBM ROMITEX” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери корхонасига жорий қилиш учун қабул қилинган бўлиб, илмий-тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилишидан кутилаётган иқтисодий самарадорлик йилнинг бир чораги учун 66 420 000 (олтмиш олти миллион тўрт юз йигирма минг сўм)ни ташкил этган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

Нажимова Айсулу Махмудовна

**ПРОГНОЗИРОВАНИЕ ЭЛЕКТРОПОТРЕБЛЕНИЯ
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОГО ПРЕДПРИЯТИЯ (НА ПРИМЕРЕ
ХЛОПКОВО-ТЕКСТИЛЬНОГО КЛАСТЕРА)**

05.05.07 – «Электротехнологии и электрооборудование в сельском хозяйстве»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В 2020.2.PhD/T1744.

Диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу www.tiiame.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Рахмонов Икромжон Усмонович
доктор философии по техническим наукам
(PhD), доцент

Официальные оппоненты:

Музаффаров Шавкат Мансурович
доктор технических наук, доцент

Шавазов Абдулатиф Ачилович
доктор философии по техническим наукам
(PhD), с.н.с.

Ведущая организация:

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Защита диссертации состоится «2» февраля 2021 г. в 14.00 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.01 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 154). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiiame.uz).

Автореферат диссертации разослан «16» января 2021 года.
(протокол реестра №1 от «16» января 2021 г).



Б.С.Мирзаев

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

У.Т.Кузиев

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней,
PhD., доцент

Х.М.Муратов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире потребление электроэнергии растет большими темпами, все большее значение приобретают научные исследования в области прогнозирования потребления электроэнергии. «Как известно, к 2030 году потребление электроэнергии в стране прогнозируется увеличить до 117 млрд.кВт·ч»¹. В свою очередь этот показатель означает, что повышение эффективности потребления электроэнергии во всех отраслях экономики, в том числе и в сельском хозяйстве является актуальной задачей.

В мире особое внимание уделяется усовершенствованию методов расчета энергетических показателей электротехнологических установок на хлопково-текстильном кластере в сельскохозяйственных предприятиях, расчету и прогнозированию электроэнергии, а также на разработку научно обоснованных значений этих показателей. На сегодняшний день проведение целевых научных исследований, в том числе повышение эффективности потребления электроэнергии в сельскохозяйственных предприятиях, анализ энергетических показателей электротехнологических установок предприятия, усовершенствование методов прогнозирования потребления электроэнергии с учетом характера технологического процесса и разработка программ расчета являются приоритетными задачами.

В нашей республике особое внимание уделяется радикальному развитию энергетики, являющейся важной отраслью экономики и на основе современных требований повышению технического и технологического уровня отрасли. В связи с этим, достигаются значительные результаты по повышению эффективности потребления электроэнергии на промышленных предприятиях, по разработке и внедрению энергосберегающих режимов работы. Но при этом, прогнозирование потребляемых энергоресурсов, разработка методов по снижению энергопотребления, проведение научно-исследовательских работ, направленных на разработку алгоритмов для определения энерго - и ресурсосберегающих режимов работы установок, являются основными задачами. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлены задачи, в том числе «...снижение потребления энергии и ресурсов в экономике, повсеместное внедрение энергосберегающих технологий в производстве»². При выполнении поставленных задач важным является усовершенствование расчета энергетических показателей электротехнологических установок, определение показателей прогнозирования электропотребления с учетом свойств технологического процесса и разработка программных средств в сельскохозяйственных предприятиях.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «Об утверждении

¹ http://minenergy.uz/uploads/f11fddb2-dc19-9986-9329-8e4e72ab7c43_media_.pdf

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП №4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

